

УДК 616: 995.1.616.995.121.

## ЦЕНУРОЗ КАСАЛЛИГИ ҚЎЗГАТУВЧИСИ - MULTICEPS MULTICEPS НИНГ ЧЎПОН ИТЛАРИДА ТАРҚАЛИШИ

*Ҳакимов Б.Н. в.ф.н., катта илмий ходими, Ҳакимов М.Б. изланувчи  
Ветеринария илмий – тадқиқот институти*

**Аннотация:** Ушбу мақола Навоий вилоятининг Конимех туман “Қорақўл Учтепа Сур” МЧЖ кўтонларидаги чўпон итлар орасида мультицептознинг учраш даражаси ва касалликнинг олдини олиш тадбирлари ҳақида маълумотлар келтирилган. Тадқиқотлар натижасида чўпон итлар орасида Multiceps multiceps билан зарарланиш 37,5% ни ташкил этиши ҳамда қўйчилик билан шуғулланувчи чорвадорлар ва аҳоли орасида ценуроз касаллигининг олдини олиш тадбирлари ҳақида тушунтириш ишларини олиб бориш зарурлиги аниқланган.

**Калит сўзлар:** гельминтлар, ценуроз, ценур, эхинококкоз, онкосфера, протосколекс, ареколин, гижжасизлантириш, олдини олиш.

**Кириш:** Мамлакатимизда қорақўлчилик тармоғини ривожлантиришга катта эътибор берилиб келинмоқда. Чунки, Ўзбекистон иқлими қорақўл қўйларидан сифати бўйича жаҳонда тенги йўқ қорақўл териси, енгил саноат учун майин толали жун ва катта калорияга эга бўлган гўшт ва гўшт маҳсулотлари етиштириб берилади. Республикамиз аҳолисини бундай маҳсулотлар билан таъминлаш ҳозирги вақтда долзарб муаммо бўлиб келмоқда. Аҳолини чорвачилик маҳсулоти билан таъминлашда фермер хўжаликлар билан бир қаторда масъулияти чекланган жамият (МЧЖ) бошқаруви шаклидаги хўжаликлар ҳам хизмат қилиб келмоқда.

Ценуроз – Taeniidae оиласига мансуб цестод - Multiceps multiceps нинг личинка даври (мия ценури) томонидан чақирилувчи касаллик. Ценурлар (пуфаклар) бош мияда, баъзан, орқа мияда жойлашиб кавшовчи ҳайвонлар ва баъзан инсонларнинг марказий асаб тизимида оғир кечувчи, кўпинча, ўлим билан якунланувчи гельминтозооноз касалликни юзага келтиради.

Қўзғатувчининг етук шакли Multiceps multiceps цестодларга мансуб бўлиб, дефинитив хўжайинларнинг (ит, бўри, чиябўри, тулки) ингичкак ичагида паразитлик қилади. Сколексида 4 та сўргич ва 22-32 та илгаки мавжуд. Личинкали-пуфакли даври Coenurus cerebralis ценур (пуфак) шаффоф суюқлик билан тўлган, ички (герминатив) қобиғида 100-700 та протосколекс ёпишган, ўлчами тухум катталигидек бўлади [5].

Касаллик қўйчиликда қадимдан “айланчик” номи билан маълум. Ценуроз билан қорамол, сайғоқ, туя, чўчка, от, кемирувчилар ва бошқа туёқли ҳайвонлар

касалланиши мумкин. Ҳатто инсонлар ҳам касалланади. Ценуроз қўйчилик ривожланган Европа, Осиё ва Америка мамлакатларида кенг тарқалган. Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатларида ценуроз нотекис тарқалган. Кавказ худудларида 10-20%, Доғистонда 22-46%, Бошқирдстонда 47,3% (1991 й.), Бурятияда 50% (1982 й.) , Туркменистонда 18,7% (1998 й.) ва Ўзбекистонда 11,4% (1991 й.) сурувни зарарлантирганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд. Бу ҳолатга кўпинча яйловдан алмаштирмасдан фойдаланиш сабаб бўлмоқда, чунки, яйловлар алмашуви йўлга қўйилган жойларда ценуроз билан касалланиш 3% дан ошмаган [1].

Касаллик қўйчиликка касал ҳайвонлар ўлими ва мажбурий сўйим, озукани норационал сарфлаш, гўшт ва жун маҳсулдорликни йўқотиш, инвазияга қарши курашиш харажатларидан келиб чиқувчи катта иқтисодий зарар етказди. Ценуроз билан касалланиш оқибатида 5-10% қўзилар нобуд бўлади, бир бош қўйдан ўртача 15-20 кг гўшт, 1 кг ёғ, 2-3 кг жун йўқотилади.

Инвазия тарқалишининг асосий сабаблари қуйидагилар ҳисобланади: қўйларни кўтонда ветеринария-санитария назоратисиз сўйиш, ҳайвонлар жасадини ўз вақтида ва тўғри утилизация қилмаслик, чўпон итларини (дефинитив хўжайин) тартибсиз сақлаш ва уларни режасиз дегельминтизация қилиш ва бошқалар [2; 4; 5].

Қўйчилик билан шуғулланаётган маъсулияти чекланган жамият хўжаликларига тегишли кўтонларда, албатта, чўпон итлари сақланишини, *Multiceps multiceps* нинг асосий хўжайини итлар ҳисоблангани ва улар ахлати билан ташқи муҳитга кунига 10-20 цестод бўғимини ажратиши, бўғимларнинг ҳар бири 50 000 тагача тухум сақлаши, яъни, бир кунда 1 млн. та тухум атроф-муҳитни ифлослантириб инвазиянинг кенг тарқалишига сабаб бўлишини эътиборга олган ҳолда тадқиқотларимиз мақсади чўпон итлари орасида зарарланиш даражасини аниқлашдан иборат эди.

**Тадқиқот материаллари ва усуллари:** Ценурозга эпизоотик маълумотлар (қўзилар, 6-12 ойлик), клиник белгилар (айланма ҳаракат, кўриш қобилияти пасайиши, тремор) ва ўлган ёки мажбурий сўйилган қўзилар бош миясида ценур пуфагини аниқлаш орқали ва мультицептозга чўпон итлар ахлатини лаборатор текшириш (гельминтоскопия, гельминтолорвоскопия) усулларида ташхис қўйилди.

Таҷриба Навоий вилояти Конимех тумани “Қоракўл Учтепа Сур” МЧЖ га қарашли 9 та кўтондаги 32 бош чўпон итларида олиб борилди. Итларни гижжасизлантириш М.Аминжанов (1987) усулига кўра ўтказилди. Гижжасизлантириш учун ареколин гидробромид препаратининг 0,01% ли сувли эритмаси ишлатилди. Препарат эритма ҳолида 5 мг/кг миқдорида итни боғлаган ҳолатда оғиз орқали (per os) берилди. Сўнгра итлар ахлати билан гельминтларни

ташқарига чиқаргандан сўнг қўйиб юборилди. Ажратилган гельминтлар алоҳида идишларга йиғиб олиниб, итларни ахлати паразит тухумлари билан биргаликда йиғиб куйдириб юборилди.

**Тадқиқотлар натижалари ва уларнинг таҳлили:** Навоий вилояти Конимех тумани “Қорақўл Учтепа Сур” МЧЖ қорақўлчиликка ихтисослашган ва хўжалик қўйлари орасида бир неча йиллар давомида ценуроз касаллиги учраб иқтисодий зарар етказиб келмоқда. Қўйларда ценуроз касаллигига клиник белгиларига (бир томонлама айланма ҳаракат, асабийлашиш (ўта хуркаклик ёки ўта сокинлик), кўриш қобилияти пасайиши, тремор, парез ёки параличлар, кома ва ўлим) асосан ташхис қўйилган.

“Қорақўл Учтепа Сур” МЧЖ қўтонларида ўртача 3-4 бош чўпон итлари сақланади. Чўпон итларининг *Multiceps multiceps* зарарланиш даражасини аниқлаш учун уларни боғлиқ ҳолда сақлаб ареколин гидробромид препаратининг 0,01% ли сувли эритмаси 5 мг/кг микдорида оғиз орқали берилди. Натижада итларда кучли даражада ахлат ажралиши ва шу билан биргаликда *Multiceps multiceps* гельминтининг вояга етган шаклининг (стробила) ажралиши кузатилди. Чўпон итларнинг гельминтлар билан зарарланиш натижалари 1-жадвалда келтирилган.

**Жадвал 1**

“Қорақўл Учтепа Сур” МЧЖ қўтонларидаги чўпон итларнинг

Т.р.	Хўжалик номи	Текширилган қўтонлар сони, та	Текширилган итлар сони, бош	Зарарланган итлар сони, бош	Фоиш	Топилган гельминтлар сони			
						<i>M.multiceps</i>		<i>E.granulosus</i>	
						сон	фоиз	сон	фоиз
1.	“Қорақул Учтепа Сур” МЧЖ	9	32	8	25,0	3	37,5	1	12,5
	<b>Жами</b>	<b>9</b>	<b>32</b>	<b>8</b>	<b>25,0</b>	<b>3</b>	<b>37,5</b>	<b>1</b>	<b>12,5</b>

*M.multiceps* билан зарарланганлик даражаси

1 - жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, Навоий вилояти Конимех тумани “Қорақул Учтепа сур” МЧЖ даги текширилган 9 та қўтондаги 32 бош чўпон итларнинг 8 боши (25,0%) гельминтлар билан зарарланганлиги аниқланди. Шундан 3 бошида *Multiceps multiceps* (37,5%), 1 бошида (12,5%) эхинококк гельминтлари билан зарарланганлиги аниқланди.

Гельминтоларвоскопик тадқиқотлар натижасида *Multiceps multiceps* нинг вояга етган шакли 98—130 см узунликда бўлиб 150-220 та бўғинлардан ташкил топганлиги, итларнинг янги ахлатида гельминтнинг бўғинлари аниқланди,

цестод бўғимчалари қўйлар боқиладиган майдонларни, пичанларни, баъзан, қўйларни суғорадиган сув охурларига итлар бориб чўмилиши натижасида сувни *M. multiceps* тухумлари билан зарарлантириши аниқланди.

Юқоридаги ҳолатни эътиборга олган ҳолда чўпон итлар орасида мультицептознинг олдини олиш учун хўжалик чорвадорларига қуйидагиларга қатъий амал қилиш лозимлиги тавсия этилди:

- қўйларнинг жасадлари ва бошини ҳайвонлар қабристони, Беккер қудуғида зарарсизлантириш ёки гўшт-суяк уни ишлаб чиқаришга юбориш;
- итларни ўлган ёки сўйилган қўйларнинг боши билан озиклантиришни таъқиқлаш;
- чорвачилик жойларида итлар сонини чегаралаш, дайди итларни тутиш, итларни чорвачилик биноларига киритмаслик;
- хизматчи (чўпон) итларни қатъий рўйхатга олиш ва паспортизация қилиш, уларни кенг таъсир қилувчи препаратлар ёрдамида ҳар 1,5 ойда дегельминтизация қилиш. Натижада ажратилган экскрементларни 10% хлор эритмаси билан зарарсизлантириш;
- итлар билан мулоқот қилганда шахсий гигиена қоидаларига амал қилиш;
- чорвадорлар ва аҳоли орасида ценуроз касаллиги, чўпон итларни сақлаш талаблари ҳақида тарғибот - тушунтириш ишларини олиб бориш.

**Хулосалар:** Навоий вилояти Конимех тумани “Қоракўл Учтепа Сур” МЧЖ кўтонларидаги чўпон итлари орасида *Multiceps multiceps* билан зарарланиш 37,5% ни ташкил этади. Қўйчилик билан шуғулланувчи чорвадорлар ва аҳоли орасида ценуроз касаллигининг олдини олиш тадбирлари ҳақида тушунтириш ишларини олиб бориш зарур.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Воробьева Т. Ю. Акбаев Р.М., Василевич Ф.И. “Ценуроз церебральный: распространение, диагностика и меры борьбы”. ФГБОУ ВПО «Московская государственная академия ветеринарной медицины и биотехнологии им. К.И. Скрябина». [https://vniigis.ru/1\\_dlya\\_failov/TPB/2015/PDF/84-88.pdf](https://vniigis.ru/1_dlya_failov/TPB/2015/PDF/84-88.pdf)
2. Казакбаев К.М. “Гельминтозы собак и меры борьбы с ними в Жамбылской области”. Автореферат дисс. на соискание ученой степени кандидата ветеринарных наук Республики Казахстан, Алматы, 2005.
3. Климова Д.Х., Шемякова С.А. “Терапия собак и кошек при нематадозах и цестодозах”. Журнал “Ветеринария”, 2008, № 12, с. 28-30.
4. Орипов А.О., Салимов Б.С., Джабборов Ш.А., Йўлдошев Н.Э. “Чорва моллари гельминтозларига карши даволаш-профилактика чора тадбирлари”. Йўрикнома, Тошкент, 2020, б. 101-116.
5. “Общая паразитология и гельминтология”. Учебное пособие. Составитель, А.Н Тазаян, Донской ГАУ, Персиановский, 2019, - 159 с., с.59-60.